Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 13 июль 1968 йил, шанба ◆ № 162 (14.024). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Беш йиллик вахтасида

Бухоро районидаги «Бухоро» колхозида учинчи парвариш тугалланди. Сиз суратда кўриб турган механизатор Маҳмуд Ражабов ғўза парваришида айниқса намуна кўрсатмоқда. Культивация қилиш топшириғини ошириб ва сифатли бажармоқда.

С. Безносов фотоси.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

4 миллион 100 минг тонна «оқ олтин» етиштиришнинг ҳал қилувчи даври келди ● Ҳар бир туп ғўзани меҳр-муҳаббат билан парвариш қилинг ● Қатор ораларини об-тобида чуқур юмшатинг. Тупроқни доим майин сақланг, намни қочирманг ● Суғориш эгатларини тўппа-тўғри ва текис олинг ● Экинни вақтида озиқлантиринг ● Бегона ўтни битта қўймай йўқотинг

СУВЧИ

Асрлар, насллар ўтибдики, бобоконалоларимиз «сув бор жойда — ҳаёт бор», «Сув берган савоб...» деган нақлни тарих китобининг ўчмас варақларига ёзиб қолдиришибди. Ҳа, сув — ҳаёт демакдир. Сув жамиятнинг барча ноз-неъматларини бунёд этади. Демак, қимирлаган жон — сув билан тирик. Сув билан нафас олади, сув билан яйраб-яшнайди.

Ғўза ҳам худди шундай. Ҳаво ва қуёшдан қанча баҳраманд бўлмасин, бу нозик ўсимлик сувсиз униб-ўсмайди, илдиз отмайди, мева тугмайди, «оқ олтин»инн кўз-кўз қилолмайди. Бундан англашиладиган маъно шуки: сув — ғўзанинг қони-жони, томирларига, танасига малҳам берадиган, серҳосил қиладиган ўсимлик шарбати. Сувчи эса — ғўзани яшнатувчи, ҳосил яратувчи, осмонўпар хирмонимизни тиклашга вақт соатини, меҳнатини, ором-ҳаловатини, билим-тажрибасини аямай тер тўкадиган оташқалб миришкор деҳқондир.

Шу боисдан ҳам, сувчиларни ўз касбларининг академиклари деб аташади. Негаки, сувчи ғўзанинг ўсиш ва ҳосилга кириш даврларини жуда яхши билади, қайси участкада ғўза қандай ривожланаётганлигидан хабардор бўлиб туради. Экинни суғориш, ер шароити, тупроқ тузилиши, сизот сувларининг паст-юза жойлашишига боғлиқ эканлигига катта эътибор беради. Озиқлантиришдан сўнг ғўзани бир ҳафта, ўн кун ўтгач суғориш зарурлигини бизнинг оби-ҳаёт таратувчиларимиз кўп йиллик тажрибаларида синаб кўришган. Шундагина ўғит ғўза илдизларига етиб олади, пушталар яхши қизийди, дейишади миришкорлар.

Ҳосил тақдирини ҳал қилаётган дала посбонлари — сувчиларимиз «пуштадан тутун чиқмагунча суғорма» деган нақлга доимо амал қилишади. Ғўзаларда ҳосилхларининг миқдори, ҳосилдорлиги экинни энг яхши агротехникаси муддатларида неча-кунлик оралиқда суғоришга боғлиқлигини улар амалда исботлашмоқдалар.

Ҳозирги ва оби-ҳаёт таратувчилар ўртасида гап кетганида, Самарқанд область Каттақўрғон районидаги «Чимбойобод» колхози миришкорларини тилга олмасдан мумкин эмас. Бу ерда ғўзани суғориш бир йўла группа усулида ташкил этилган. 177 киши 31 та суғориш группаларига бўлинган. Хўжалигининг Боймурод Қаршиев бошлиқ бригадасида ғўзани группа усулида суғориш жуда катта афзалликларга эга эканлиги иш жараёнида синалди. Илгари бригада ғўзалари тўрт ариқдан сув ичарди, биринчи суғориш учун гектарига 1800-2000 кубометр сув сарфланарди. Суғориш группа усулида ташкил этилгач, бригаданинг барча майдондаги ғўзалари бир ариқдан сув ичадиган ва ҳар гектар майдондаги экинни суғоришга 600-700 кубометр сув сарфланадиган бўлди. Группа усулида суғоришнинг нечоғлиқ самарали, тежамли эканлиги шугина рақамларда ҳам очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Афсуски, республикамизнинг баъзи районларида ғўзани оби-тобида суғоришга ва сувчиларга зарур шароитларни муҳайё қилишга, уларнинг меҳнатини тўғри ҳисобга олишга етарли аҳамият берилмаётир. Буни айниқса Бухоро областининг Когон, Қашқадарё областининг Косон ҳамда Қарши районларидаги хўжаликларда кўриш мумкин.

Сувчиларни эъзозлаб мўл ҳосил посбонлари дейишади. Дарҳақиқат буни кўп йиллик тажриба тасдиқлаб келмоқда. Сувчилар ғўзанинг оби-ҳаётга талабчан ўсимлик эканлигини жуда яхши ҳис этишади. Тупроқда нам етарли бўлса ердаги озуқа моддаларидан, ҳаводан, иссиқликдан яхши баҳра олиб, экин тез ривожланади, новдаси салмоқдор бўлиб етилади ва барвақт очилади. Аксинча, ғўза чанқатиб қўйилса меваларини тўкиб юборади, барглари сўлиб қолиши, ҳашаротга ем бўлиши, турли касалликларга чалинниши турган гап. Оби-ҳаёт таратувчилар ана шуни яхши тушуниб, кечаю-кундуз пахтазордан нари кетишмайди.

Биз номларини тилга олмоқчи бўлган Каттақўрғондаги «Чимбойобод» колхозининг бош сувчилари Суюн Азимов, Пирим Равшанов, Уроз Ҳайитов, Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз сувчиси Муҳаммадкарим Юнусов каби неча минглаб «оқ олтин» ихлосмандлари ғўзани суғориш агротехникасига жиддий эътибор бераётганликларини алоҳида таъкидламоқ керак. Улар ва бошқа миришкорлар суғоришнинг янги усулларини кенг қўлланмоқдалар.

Ғўзани ёппасига суғориш ярамайди. Агар шундай қилинса, сув карталарни ўпириб кетади, паст жойларда кўллаб қолади, ўсимликни янчиб ташлайди, баланд жойлардаги экин сувга қонмай қолади. Натижада хосилга катта зарар етказилади. Бунга йўл қўймаслик учун тажрибакор сувчиларимиз ғўзаларни кенг, текис ва чуқур олинган эгатлар орқали жилдиратиб суғормоқдалар. Бунда сув тупроқни бир меъёрда намламоқда.

Шу кеча-кундузда ғўзаларнинг сувга бўлган талаби жуда катта. Бу эса миробларимизни сувни ўқ ариқлардан эгатларга оқизиб қўйиш билан кифояланиб қолмасдан, уни доимо назорат қилиб туришни, бирор томчисининг ҳам нобуд бўлишига йўл қўймасликни талаб этади. Эгат бошларида сув оз-оздан таралиши, ўрталарида бир оз кўпайтирилиши, охирларида тағин камайтирилиши керак. Ғўзани бир меъёрда қондириб суғориш сувчининг маҳоратига боғлиқ дегани ҳам ана шунда.

Оби-ҳаёт таратувчилар сувдан тўғри ва оқилона фойдаланишга даъват этилгандирлар. Далалар бир неча карталарга бўлиниб, аввало чанқаган ғўзаларни суғориш, сўнгра эса, қўшни карталарга ўтиш керак. Сувни олисдаги карталарга бошқариб, беҳуда исроф қилмаслик даркор. Бошқача қилиб айтганда, сувни у пайкалдан бу пайкалга бекорга оқизавермаслик лозим.

Тунги суғоришда ҳикмат кўп. Чунки, кечаси сув кўп бўлган майди, исроф бўлмайди, ғўзага яхши манфаат етказади. Кечаси сув ичган ғўза кундуз куни қуёш нурларидан яхши баҳраманд бўлиб барг уриб ўсади, кунда бир яшнайди. Шундай экан, тунда ғўза суғораётган деҳқонларга ҳақ тўлашда қатъий тартиб ўрнатиш, уларга ғамхўрликни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириш талаб этилади. Чунончи, тунги сувчиларга кундуз кучи ишлаётган сувчиларга қараганда кўпроқ ҳақ тўлаб борилиши шарт.

Сувчи — механизаторнинг энг яқин йўлдоши, кўмакдоши. Тракторларнинг иш унуми ғўзанинг қандай суғорилганлигига, суғоришнинг сифати эгатларнинг қандай олинганлигига боғлиқдир. Шунга кўра, сувчи билан механизатор бир-бирининг ишини тўлдиради, давом эттиради. Бундан кейин ҳам уларнинг ишини бир-бирига маҳкам боғлиқ ҳолда давом эттириш керак.

Тўрт миллион юз минг тонна пахта учун кураш қизғин тус олди. Шунча ҳосилнинг етиштирилишига сувчиларимиз бебаҳо ҳисса қўшишади. Улар ғўзага қалбини қуёш қилишяпти, ҳар тупини меҳр билан парвариш этишяпти, қондириб суғоришяпти. Партия, совет, хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари ғўзаларни меҳр чашмасидан баҳраманд қилаётган миришкор деҳқонларимизнинг бу хайрли ишларига мадад бериб туришлари керак.

45 ЦЕНТНЕР УЧУН

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг уста пахтакор Нуриддин Фатҳиддинов бошчилик қилаётган бригада даласида ғўза парвариши яхши йўлга қўйилган. Бригаданинг барча майдондаги ғўзалари учинчи комплекс парваришдан чиқарилди. Айни вақтда тўртинчи комплекс парвариш қизғин олиб борилаётир.

Бригада аъзолари бу йил ҳар бир гектар майдондан 45 центнердан ҳосил олишга сўз беришган. Эрта кўклмдан ана шу мақсад йўлида тинмай меҳнат қилиняпти. Далаларда барқ уриб ўсаётган ғўзалар ана шу меҳнатларнинг самарасидир, албатта.

Бригада механизатори Дадажон Турсунов ва сувчиси Ҳолмат Ортиқовларнинг иши ҳаммага манзур бўляпти. Бу азаматлар ўзларига юклатилган вазифаларни юқори сифат билан бажариб, мўл ҳосил етиштиришга алоҳида ҳисса қўшяптилар.

Ҳозир бригада ғўзалари ёппасига гуллаб, гуллар ҳосил тугунларига айланмоқда.

Е. ҚОСИМБЕКОВ.

ЭЛЛИК ЦЕНТНЕРЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

ХОРАЗМ — АНДИЖОН

Биз доврўғи ҳарён кетган Андижон пахтакорларининг ишлари ҳақида кўпроқ билишни истардик. Андижон Хоразмдан олисда. Лекин, дўстлик узоқ-яқинликка қарамайди. Мовриди келганда, албатта, Андижонга бораман, деб юрардим. Биров мендан: андижонликлардан нимани ўргандинг, деб сўраса, пахтани қадрлашни, деб жавоб берган бўлардим.

Ўғилжон Нуруллаева Андижондан Хоразмга жўнаш олдида ана шундай деди. Ўғилжон Нуруллаева ким? У Хоразм область Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозининг бригада бошлиғи, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор. Уни Хоразмда кўпчилик танийди, ҳурмат қилади. Ўғилжон бу ҳурматга ўзининг ҳалол меҳнати билан сазовор бўлган. Беш йилдирки, бригада бошлиғи, Хоразмда донг қаратган механизаторлардан бири.

Машҳур механизатор Ўғилжон Нуруллаева Андижонга келиб, қатор хўжаликларда бўлди. Пахтакорлар билан учрашди, суҳбатлашди, ўзаро тажриба алмашди. Избоскан районидаги Ал Беруний номли колхознинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени Қорияхон Маматқулова бошчилик қилаётган бригадасида бўлганида, бу ердаги иш унга жуда ёқиб тушди.

Қорияхон Ўғилжондан унинг бригадаси ўтган хўжалик йилини қандай якунлаганлигини, бу йилги режалари ғўза парваришининг борориши, озиқлантириш тартиби ҳақида қизиқиб сўради.

— Бригадамиз шўрҳок ерларда деҳқончилик қилади, — дея гап бошлади Нуруллаева, — экишдан олдин бу ерларда мелиорация ишларини ўтказамиз. Ҳар йили экин майдонларини кенгайтириб боряпмиз. Бу йил ҳам 4 гектар янги ер ўзлаштирдик. Бригадамизнинг пахта майдони 74 гектарга етди. Бу, тур ҳар гектар ердан 47,5 центнердан хирмон кўтардик. Планни ўн икки иш кунида тўлдирдик. Бунда бизга техника мададкор бўлди. Ҳосилнинг 90 процентини машинада теріб олдик. Мен агрегат бункеридан 157 тонна пахта тўкдим. Бу йилги мавсумда тўрт қаторли «Узбекистон» машинасида 250 тонна пахта теришни дилимга тугиб қўйдим.

Ҳосил кўчатлардан олинади. Шунинг учун биз ҳар бир туп ниҳолни эҳтиётлаймиз. Карталар механизаторларга биркитиб қўйилган. Уларнинг ён дафтарчаси бор. Дафтарчага кўчатларнинг сони ёзилган. Бу механизаторларнинг масъулиятини оширади. Сувчилар: оддий деҳқонларга нисбатан ҳам шундай талаб қўйганмиз.

Деҳқончилик — нозик иш. Озгина эътиборсизликка йўл қўйилса ҳосилнинг тақдирига путур етказилади. Биз ана шуни ҳисобга олиб, ҳатто дала шийпонида тунаб қоляпмиз. Ҳаракатларимиз зое кетмаяпти, албатта.

— Сизнинг бригадангизда қандай янгиликлар бор?

— Бизнинг ер шароитимиз сизларникидан бошқачароқ, — деди Қорияхон Маматқулова, — табиат инжиқликларига қарамасдан, бу йил ҳам экишни ўз вақтида тамомладик. Чигитни текис ундириб олиб, яганалашни маромида ўтказдик. Аммо ғўза ниҳоллари ер бетида маржондек тизилганида бирин-кетин уч марта қаттиқ сел ёғди. Жуда ҳам аянчли ҳол рўй берди. Райондаги бутун майдон —29 минг гектар пахтазор ёмғир сувн остида қолди, Далаларни қатқалоқ босди. Бизнинг бригадамиз ҳам бу офатдан ҳоли эмас. Саросимага тушмадик, об-ҳаво инжиқлигини енгдик. Биргина бизнинг колхозимизга «Ойим» совхозидан 25 та трактор ёрдамга келди. Қисқа муддат ичида қатқалоқ юмшатилди.

Сел ва дўл қибоғларига барҳам берилган бўлса ҳам, ғўзамизнинг ўсиши бултургидан бироз орқада. Яхшиси, юринг, далага борайлик, ғўзамизни ўз кўзингиз билан кўринг!

Хоразмлик меҳмон бу таклифни бажонидил қабул қилди. Улар роса дала кезишди. Пайкалдан пайкалга ўтишди. Ғўзалар яшнаб ётибди. Кўчат текис. Кўриб қувон шди. Битта ҳам бегона ўт кўринмайди. Дўгоналар даладан хурсанд бўлиб қайтишди.

— Менда бир фикр туғилди, — деди Ўғилжон Нуруллаева, — доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига мусобақа боғласак. Мусобақамиз шарти — ҳар гектар ердан 50 центнердан хирмон кўтариш бўлса! Андижон ва Хоразмда эллик центнерчилик ҳаракатини кенг бошлаб юборсак, дейман!

— Жуда яхши таклиф, тўғри ўйлабсиз. Беллашишга тайёрмиз! — деди Қорияхон Маматқулова.

Эллик центнер! Айтоққа осон. Юрагида ўти борлар айтади бу сўзни. Икки пахтакорнинг ватанпарварлик ташаббусини Андижон ва Хоразм область партия комитетлари қўллаб-қувватладилар. Уларнинг мактублари «Коммунист» ва «Хоразм ҳақиқати» газеталарида эълон қилинди.

Мана, ўшандан бери орадан бир ойдан ортиқ вақт ўтди. Бизни эллик центнерчилик ҳаракатининг ташаббускорлари Ў. Нуруллаева ва Қ. Маматқулова ўртоқларнинг ўз сўзлари устидан қандай чиқишаётгани қизиқтирар эди. Шу муносабат билан Избоскандаги Ал Беруний номли колхозда — Қорияхон опа ҳузурида бўлдик.

Қорияхон Маматқулова: Бундоқ қараганда, деҳқончилик жуда осонга ўхшаб кўринади. Аслида эса унинг кўз илгамас «сир»лари, машаққатлари кўп. Ўғилжон Нуруллаева билан бошлаган мусобақамиз ана шу «сир»ларни билиб олишга ёрдам беради. Ишни уйқусида босадиган деҳқон учун 50 центнерлик маррани эгаллаш унча қийин эмас. Биз шу қутлуғ маррани қўлдаб ишлаяпмиз. Ҳозир ғўзамиз қийғос гулга кирди. Бу гулларни тўла сақлаб қолиш ва тўқ кўсакларга айлантириш иштиёқи билан яшаяпмиз.

Тупроқни юмшоқ саклаш, ғўзани ўт босгирмаслик, сувсизликдан қолиқтириб қўймаслик, ҳашаротдан асраш, ҳосил тугунчаларини кўпайтириш чораларини кўраяпмиз. Июль ойи учун гадбирлар белгиладик. Мавжуд 80 гектар майдонда кам деганда икки марта культивация ўтказишга қарор қилдик.

Куни кеча Хоразм билан телефон орқали алоқа боғладик. Ўғилжон Нуруллаева бригадасининг шу кеча-кундузги ишларини билмоқчи эдик.

Телефонда Қ. Оллоёров, — Хоразм область. Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозининг бухгалтери: Ўғилжон Нуруллаева бригадасида аҳвол яхши. Ғўзаси баравж ўсяпти, текис гуллади. Сувдан қолдиргани йўқ. Минерал ўғит билан озиқлантиришни 20 июлда тўхтатади. «Шарбат» оқишига зўр беряпти. Июль ойида ғўза қатор ораларини икки марта чуқур культивация қилмоқчи.

Икки пахтакорнинг ташаббуси қанот пайдо қилди. Хоразм область Янгиариқ районидаги «Москва» колхозининг бригада бошлиғи Мадраҳим Отажонов Ўғилжон Нуруллаева ташаббусини маъқуллаб, Андижон область, Избоскан районидаги «Андижон» колхозининг Мирабдулла Ҳомидов бошлиқ бригадасини эллик центнерчилик ҳаракатига қўшилишга чақирди. М. Ҳомидов бригадаси бу таклифни қабул қилди. Яқинда Мадраҳим Отажонов ҳам Андижонга келиб, мусобақадош М. Ҳомидов бригадаси далаларида бўлди.

Одамлар шу мусобақада совринни ким оларкин, дейишяпти. Бу саволга галвир сувдан кўтарилганда жавоб берамиз, албатта.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: Ўғилжон Нуруллаева (ўнгда) ва Қорияхон Маматқулова ўртоқлар.

Расмий хабарлар

А. Н. КОСИГИННИНГ ШВЕЦИЯДА БЎЛИШИ

СТОКГОЛЬМ, 11 июль. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Швецияга келган СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ҳукумат уйида Швеция Бош министри Таге Эрландер ҳузурида бўлди.

Шу куни А. Н. Косигин Швеция пойтахти чеккаларидан бирига сафар қилди. Акциячи жамият «Альфа — Лаваль» саноат корхонаси шу ерда жойлашган.

Совет ҳукуматининг бошлиғи ва унга ҳамроҳ бўлган расмий кишилар виставка залини, машина лабораториясини кўздан кечирдилар, цехлардан бирида бўлдилар.

СОВЕТ — ШВЕД МУЗОКАРАЛАРИ

СТОКГОЛЬМ, 11 июль. (ТАСС махсус мухбири). Бугун бу ердаги ҳукумат уйида СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин билан Швеция Бош министри Таге Эрландер ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Икки томонлама совет—швед муносабатларини янада ривожлантиришга тааллуқли баъзи масалалар муҳокама қилинди. Совет Иттифоқи ва Швецияни ўзаро қизиқтирувчи халқаро аҳволнинг бир қанча актуал масалалари устида ҳам фикрлашиб олинди.

Музокаралар тугаганидан кейин А. Н. Косигин билан Т. Эрландер совет—швед консуллик конвенциясининг тасдиқланишига доир ратификацион ёрлиқларни айирбошлаш тўғрисидаги протоколни имзоладилар.

Музокаралар дўстона вазиятда ўтди.

А. Н. КОСИГИННИНГ «ШВЕЦИЯ — СССР» ЖАМИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

СТОКГОЛЬМ, 12 июль. (ТАСС). «Швеция — СССР» жамиятлари иттифоқининг делегацияси кеча Совет ҳукумати бошлиғи билан самимий учрашдилар. Жамиятлар иттифоқининг раиси — буфетчи Фон Хофстен Советлар м[illegible] сон-саноқсиз дўстл[illegible] СССР Министрлар Сов[illegible] саломнома топширди. Бу[illegible]да, А. Н. Косигиннинг Ш[illegible] қилган сафари ҳар икала [illegible]нат ўртасида маданий ва [illegible]дий алоқаларни янада ан[illegible]ганиришга кўмаклашади[illegible]ишонч билдирилди.

Совет Иттифоқининг ҳозир[illegible] мураккаб халқаро вазиятда ў[illegible]зиб келган ва ўтказаётган из[illegible]тинчлик сиёсати «Швеция — СССР» жамиятлари иттифоқи ишининг муваффақият қозониш[illegible] кўп жиҳатдан имкон берди, дей[illegible]лади мактубда.

А. Н. Косигин Совет Иттифоқ[illegible] шаънига айтилган илиқ сўзлар[illegible] учун миннатдорчилик билдирди[illegible] Биз жамиятингизнинг ишини жу[illegible]да юксак қадрлаймиз, деди у. Сизлар тинчлик йўлида катта самарали иш олиб боряпсиз. Мана шу олижаноб ишда сизларга ян[illegible]гидан-янги муваффақиятлар тилайман.

ҲИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ — ЛЕНИНГРАД МЕҲМОНИ

Ҳиндистон Республикасин[illegible] Президенти доктор Зокир Ҳу[illegible] ва унинг ҳамроҳлари 11 и[illegible] Москвадан Ленинградга кели[illegible]

Ҳиндистонлик меҳмонлар[illegible] бўйи шаҳар билан таниш[illegible]

Кечқурун доктор Зокир [illegible] ва унинг йўлдошлари С. [illegible] номидаги опера ва балет [illegible]га бориб, «Уйқудаги гўзал[illegible]тини томоша қилишди.

БИРГАЛИКДА ЎТКАЗИЛГАН МАШҚЛАР ТАМОМ БЎЛДИ

Шу йил июнь-июль ойларида Польша Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси ва Совет Иттифоқи территорияларида Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар бирлашган Қуролли кучлари Бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали И. И. Якубовский раҳбарлигида командирлар ва штабларнинг қўшма машқлари ўтказилди. Бу машқларда Чехословакия Халқ Армияси, Совет Армияси, Венгрия Халқ Армияси, Германия Демократик Республикаси Миллий Халқ Армияси ва поляк қўшинларининг оператив штаблари, шунингдек алоқа қисмлари, белгиловчи ва таъминловчи қисмларнинг зарур миқдори қатнашди.

Машқларда Болгария Халқ Армияси ва Руминия Социалистик Республикаси Қуролли Кучлари Бош штабларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Машқ қатнашчилари олдига қўйилган вазифалар бажарилди. Бу машқлар штабларнинг эпчиллигини, уюшқоқлигини ва уларнинг оператив тайёргарлиги ўсганлигини кўрсатди.

Штабларнинг командирлари ва офицерлари ҳозирги замон урушлари, уруш ҳаракатларини олиб бориш формалари ва усуллари тўғрисидаги қарашлар бирлигига асосланиб, ҳозирги замон операцияларини планлаштириш ва олиб боришда, иттифоқчи қўшинлар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни уюштириш методларини такомиллаштиришда тажриба ҳосил қилдилар.

Машқларда ва уларни таҳлил этишда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Дубчек, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Армия генерали Л. Свобода, Чехословакия ҳукуматининг раиси О. Черник, Чехословакия Социалистик Республикаси Миллат мажлисининг Раиси И. Смрковский ва Чехословакия Социалистик Республикасининг миллий мудофаа министри генерал-полковник М. Дзур қатнашдилар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ҒАМХЎРЛИК

Партия сиёсий маорифи кабинетининг зали ҳар кеч коммунистлар билан гавжум бўлади. Бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ва пропагандистлар, сиёсий ташкилотчилар ва сиёсий ахборотчилар сменадан кейин бу ерда янги келган газета ва журналларни кўздан кечиришади. Ўз ишларига доир сиёсий адабиётларни мутолаа қилишади.

Кабинет кутубхонаси китобларга бой. Тўрт юзга яқин киши кутубхонанинг доимий ўқувчиси. Уларни қизиқтирган барча темадаги китоблар шу ердан топилади. Бундан ташқари, ўқув залида ўрнатилган стендлар, витриналар, уюштирилаётган виставкалар ҳам ишчилар, инженер-техник ходимларни турли янгиликлардан бохабар қилиб туради.

— Яқинда комбинат ҳузурида бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг бурчагини ташкил этдик, — дейди завод сиёсий маориф кабинетининг мудири Анна Капитоновна Попова. — Бу секретарларнинг партиявий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйишларида катта ёрдам берапти.

Бошланғич партия ташкилотлари секретарлари бурчаги бевосита партиявий ишларга оид адабиётлар билан жиҳозланган. Бу ерда КПСС Программаси ва Уставидан ташқари «Бошланғич партия ташкилоти секретарининг справочниги», «Партия йиғилиши», «Партия учёти ва партия хўжалиги», «Бошланғич партия ташкилотининг бюроси» каби бир қатор қўлланма — адабиётларни ҳам топиш мумкин. Айни пайтда партия солдатлари учун махсус лекция ва суҳбатлар уюштириб туриш ҳам бу ерда одат тусига кирган. Суҳбатларни олиб боришга бевосита партия ва хўжалик раҳбарлари, мутахассис пропагандистлар жалб этилган.

Борис Давидович Пономаренкони корхона коммунистлари, партиясизлар яхши танишади. У энг актив жамоатчилардан. Борис Давидович завод бошқармаси партия ташкилоти секретарининг ўринбосари. Айни пайтда лекторлик санъатини ҳам пухта эгаллаган. Кўп йилдан бери марксизм-ленинизм мактаби пропагандисти ҳамдир. Борис Давидовичнинг халқаро темаларда ўқиган сифатли лекцияларини ҳамкасблари доимо зўр қизиқиш билан тинглашади.

Борис Пономаренко вақтивақти билан завод бошланғич партия ташкилотлари секретарлари учун махсус лекциялар ўқиб беради. Унинг жаҳон коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг бўлажак кенгашига бағишланган суҳбати, Яқин Шарқдаги воқеаларга доир, Вьетнамдаги аҳвол ҳақидаги қатор лекциялари секретарларни кўпгина янгиликлардан воқиф қилди. Бундан ташқари завод партия комитетининг ташаббуси билан хўжаликни бошқаришга бағишланган мазмунли лекция ва суҳбатлар ҳам уюштириб бориляпти. Сўнгги суҳбатларда завод бош бухгалтери А. Девятова «Янгича иш шароитида моддий рағбатлантириш», ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи М. Огуревич «Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш» деган темаларда лекциялар ўқишди.

— Корхонамизда 368 коммунистни ўз сафига бирлаштирган 14 бошланғич партия ташкилоти бор, — дейди завод партия комитетининг секретари Владимир Григорьевич Онищченко. — ишлаб чиқариш тақдири мана шу кўп сонли коммунистларимиз қўлида. Партиявий-сиёсий ишлар қайси участкада намунали йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда план топшириқлари ҳам муваффақиятли адо этилмоқда.

Кейинги йилларда завод партия комитетининг ташаббуси билан ойда бир марта корхона партия ташкилотлари секретарлари кунини ўтказиш одат тусига кириб қолди. Ҳар квартал охирида эса секретарлар ва хўжалик активларининг йиғилиши бўлади.

— Бу тадбирлар партиявий-сиёсий ишларни янада жонлантиришда катта самара беряпти, — деб ҳикоя қилади В. Онищченко. — Секретарлар кунида ҳар ойлик ишга якун ясалади. юғуқ ва камчиликлар таҳлил қилинади, юқори партия органларидан келган кўрсатмаларни бажариш режалари тузилади. Айни пайтда бирор секретарнинг ҳисоботи тингланади.

Яқинда биз 17- цех партия ташкилоти секретари В. Исакиннинг ҳисоботини эшитдик. У энг ёш секретарлардан. Партиявий ишда ҳали дурустроқ тажриба орттирмаган. Шунинг учун ҳам унинг ҳисоботини тинглаб, керакли маслаҳатларни бермоқчи бўлдик. Комитетдан тузилган комиссия бу ташкилот ишини олдинроқ чуқур таҳлил қилиб чиққан эди. Ҳисобот пайтида комиссия аъзолари йўл қўйилган камчиликларни секретарга кўрсатишди. Қуюв цехи бошланғич партия ташкилотининг секретари В. Четин, темирчилик-пресслаш цехи бошланғич партия ташкилотининг секретари С. Васильчиков, — 3- цех бошланғич партия ташкилотининг секретари Г. Собол ўртоқлар партиявий-ташкилий ишларни олиб боришдаги ўз тажрибаларини сўзлаб беришди.

Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. В. Исакин кўрсатилган камчиликларни коммунистлар билан бамаслаҳат тўла бартараф этяпти. Бу ишда комитет аъзолари унга катта ёрдам беришмоқда.

Завод партия комитетининг барча аъзолари маълум участкаларга биркитиб қўйилган. Масалан А. Станков 1-цех бошланғич партия ташкилоти ишидан доимо хабардор. Е. Вишневский эса қуюв цехи. Х. Гумирова 2-цех бошланғич партия ташкилотларини оталиққа олишган. Партиянинг асоси бўлган бошланғич ташкилотлар ишини намунали йўлга қўйишда, уларнинг жанговарлик қобилиятини оширишда бу ўртоқлар муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бошланғич партия ташкилотлари фаолияти Чирчиқ шаҳар партия комитетининг ҳам диққат марказида турибди. Яқинда шаҳар партия комитети корхоналар бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинарини ўтказди. Бу семинарда «Чирчиксельмаш» заводи 5-цех бошланғич партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Иван Ефимов ҳам ўз ташкилот иш тажрибаларини ўртоқлашди. Секретарлар семинарда партиявий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни уюштиришда тўпланган қимматли тажрибалар ўртоқлашишди.

«Чирчиксельмаш» заводида партиянинг негиз бўлган бошланғич партия ташкилотларига кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажаришда катта мадад бўлмоқда. Корхона коммунистлари бир мақсад сари интилиб, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш топшириқларини ўз вақтида адо этмоқдалар. Заводда ярим йиллик план барвақт бажарилиб, қўшимча кўплаб культиваторлар, кўрак чувиш машиналари, луб тозалаш агрегатлари тайёрланди. Завод бошланғич партия ташкилотлари бу ютуқларни янада мустаҳкамлашда барча коммунистларнинг авангардлик ролини тинмай оширмоқдалар.

Ж. НОСИРОВ.

Чирчиқ шаҳри.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БЕШ ЙИЛЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгашида меҳнат ресурсларини оқилона тақсим қилиш ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш масаласи асосий тема бўлди. Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш давлат комитети чақирди. Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов очди. Ана шу давлат комитетининг раиси Е. Т. Зокиров меҳнат ресурсларидан фойдаланиш юзасидан давлат комитети органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш соҳасида йилнинг биринчи ярмида қилинган ишларнинг якунлари тўғриси да ахборот берди.

Кенгаш қатнашчилари меҳнат ресурсларини ўрганиш соҳасидаги иш тажрибасини ўртоқлашдилар.

Кенгаш қатнашчилари оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришни, халқ хўжалигида ишчилар зарурлиги тўғрисида, корхоналарда, янги қурилишларда меҳнат ва турмуш шарт-шароити ҳақида шаҳар ва қишлоқ аҳолисини кенг хабардор қилиб туришни тавсия этдилар. (ЎзТАГ).



Ўзбекистон Давлат лойиҳалаш институтининг бир гуруҳ мутахассислари Самарқанддаги В. И. Ленинни майдонида қурилиадиган область Советлар уйи биносининг лойиҳасини тузиб чиқдилар. Бу муҳташам бино 12 қаватли бўлади. Суратда: лойиҳа ижодкорларидан (чапдан ўнгга) М. Мирзаахмедов, С. Полишчук, Н. Рафиқова ва И. Габриэльян ўртоқлар макет ёнида. И. Глауберзон фотоси.

КОМСОМОЛ ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА

● Клубларда, ёзги эстрадаларда ёшларнинг область фестивали Бухорода икки кун давом этди. Фестиваль вақтида нўшиқ ва музика янгради, спорт майдончаларида мусобақалар ўтказилди.

Фестиваль жюриси Бухоро педагогика институтининг ҳаваскор артистларини биринчи даражали диплом, қимматли мукофот ва область комсомол комитетининг фахрий ёрлиғи билан мукофотлади. «ВЛКСМ 20 йиллиги» тикув фабрикаси, Ғиждувон районидаги Калинин номли колхоз, педагогика билим юрти, Томди маданият уйи ҳамда кооператив техникум коллективларига дипломлар, мукофотлар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

● Фарғонадаги санкизинчи трестга қарашли 4 қурилиш бошқармасининг ишчиси Анатолий Гольцов ҳаммадан тез ва соз ғишт теради. У ёшларнинг жаҳон фестивали шарафига область комсомоли ўтказган конкурсда ғолиб чиқди.

Гольцов ўн икки йил муқаддам биринчи марта андаза олган эди. У шу йиллар мобайнида неча ўнлаб уй-жойлар, ишлаб чиқариш корпусларини қурди. Ҳозир у Фарғонадаги химиявий тола заводи қурилишида бригадир бўлиб ишлаётир.

ХИЗМАТГА ТУҲМАТ

ВАГОНЛАР НЕГА БЕКОР ТУРИБДИ

<> <>

Колхоз ва совхозлар мева ҳамда сабзавотдан мўл ҳосил етиштирдилар. Уларни мамлакатимизнинг турли томонларига жўнатишга ошиқмоқдалар. Ўзбекистон меваси ва сабзавоти қардош халқлар дастурхони. ни ҳам безасин деб, маҳсулотларни пешма-пеш темир йўл станцияларига олиб чиқишяпти. Лекин вагон етишмай турибди.

Темир йўл бўладию, вагон етишмайдими? Шундай мулоҳаза қилиш ўринли. Бироқ, масаланинг бошқа томонини ҳам ўйлаб кўриш керак бўлар. Асосий юклар вагонларга ортиб-жўнатилиб турибди. Гап вагонлардан тўғри фойдаланиш, уларнинг оборотини тезлаштириш, халқ хўжалигимизнинг барча соҳаларини зарур миқдорда вагон билан таъминлаб туриш ҳақида бораяпти. Темир йўлчилар шунга эришишга уринишяпти.

Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси бўлимларида кетма-кет телефон жиринглайди. Трубкани қўлига олган ходимлар «вагон берамиз-у, уни маҳтал қилиб қўйганингиз ёмон», деган писандани кўп такрорлашади. Дарҳақиқат темир йўлчилар шундай дейишга мажбур бўлиб қолмоқдалар. Чунки, сўраган ташкилотларга истаганча вагон бериш мумкин-у, мижозлар вагоннинг «умрини» зое ўтказмоқдалар. «Зар қадрига заргар етар», деганларидек вагонларнинг станцияларда ва юк тушириш майдонларида кўплаб вақт бекор турасётганлигига темир йўлчилар ачинмоқдалар.

Бошқарманинг юк ташиш хизмати бошлиғи Олим Ёқубов кабинетидамиз. Телефонларнинг ўндан тўқкизи вагон сўраш муносабати билан жиринглямоқда. Бошлиқ олдида бир варақ қоғоз турибди. У ана шу қоғозга бот-бот назар ташлаб қўяди. Унда республикамиз территориясида жойлашган станцияларда юк туширишнинг бориши ҳақида маълумотлар жамланган. Шу бир варақ қоғоз ғиж-ғиж рақамлар билан тўлиб турибди. Бу рақамларни таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистонда турли ташкилотлар ва корхоналар темир йўл вагонларидаги юкларни ўз вақтида тушириб олишга бефарқ қараётганликларини пайқаш қийин эмас.

Энг янги маълумот билан таништик. Унда республикамизда вагонлардан юк туширишнинг бир кеча-кундузлик аҳволи кўзга ташланади. Бир кеча-кундузнинг ўзида 3462 вагондан юк туширимай колган Уларнинг кўпчилиги бир неча кундан бўён станцияларда қантариб қўйилганлиги кишини ҳайратда қолдиради. 96 вагон цемент, 214 вагон минерал ўғит, 188 вагон сифати тез бузиладиган юк вагонлар ичида қолиб кетган. Кунлар ўтса ҳам вагонларни бўшатиш ҳақида бирор амалий тадбир кўрилмаган.

Бу ҳали бир кунлик ишнинг манзараси. Ҳозир республикамизда долзарб дамлар бошланди. Деҳқон мўл ҳосил ҳаракатида. Унга минерал ўғитлар жуда зарур. Шундай бўлса ҳам станцияларда минерал ўғит ортилган вагонлар келганига пушаймон бўлиб ётибди. Айрим станцияларда минерал ўғитлар тоғ бунёдга келган десак муболаға бўлмас. Кетма-кет келиб турган вагонлардан минерал ўғит пешма-пеш тушириб олинмаяпти. Бунинг учун республика «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси айблидир Бирлашма базалари темир йўл станцияларида жойлашган. Лекин базалар ишни пухта ташкил қилмаётирлар. Боёвут, Бахт, Андижон-2. Фурқат, Федченко, Ҳаққулобод, Учқўрғон, Наманган, Зарафшон каби станцияларда худди шундай аҳвол юз бераяпти «Ўзсельхозтехника»нинг бу станциялардаги базалари раҳбарлари темир йўлчилар билан бамаслаҳат иш тутишга одатланишмаган Колхоз ва совхозлар билан ҳам келишиб ишлашмаяпти. Келиб тушган минерал ўғитларни хўжаликларга жўнатиш учун етарли миқдорда юк туширувчилар, транспорт воситалари, машина-механизмлар ажратилмаган. Оқибатда ўғит ортилган вагонлар станцияга келганда икки-уч кунлаб бўшатмай қўйишмоқда. Бу, вагонларга хўжасизларча муносабатда бўлишнинг ўзгинаси эмасми!

Минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг ўз вақтида вагонлардан тушириб олинишини таъминлашда республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ташкилотлари ҳам сусткашлик қилмоқдалар 8 июль куни Сирдарё областидаги Жеттисой станциясига 16 вагон минерал ўғит етказиб берилди. Бу ана шу станция яқинидаги Ленин номли колхозга қарашли эди. Станция ходимлари бир неча бор огоҳлантиришларига қарамай, вагонлардаги минерал ўғит тўрт кунда ҳам тушириб олинмади. Худди шу куни Зарафшон станциясига 6 вагон, Рапқон ҳамда Красногвардейск станцияларига 4 тадан вагонда юк келди. Афсуски улар ҳам рельс устида уч кундан ортиқ туриб қолди.

Баъзан вагонлардан фойдаланишда ўз-ўзини алдашга ҳам йўл қўйилмоқда. Қашқадарё станциясига 86 вагон қурилиш материали келди. Уни республика Қурилиш министрлигига қарашли «Транспецстрой» трести дарҳол тушириб олиши зарур эди. Хох ишонинг хох ишонманг, кетма-кет тизилган 86 вагон юк бир ҳафта давомида станцияни банд қилиб турди. Бу вагонларга ортилган қум-шағал шу министрликка қарашли Қуйимозор карьеосидан ортиб жўнатилганди. Министрликнинг бир корхонаси юборган юк иккинчи ташкилотида ўз вақтида вагондан тушириб олинмаганлиги жазосига анчагина миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди.

Бир кеча-кундуздаги воқеалар таҳлили якунланган сатрдаги рақамни кўриб чўчиб тушдик Бу 1140 рақами бўлиб, у бир кеча-кундузда юки туширилмаган вагонларнинг республика бўйича жамини ифодалайди. Шу вагонлардан юклар белгиланган муддатда, лоақал ўша куннинг ўзида тушириб олинганида ҳам халқ хўжалигимизга катта наф келтирган бўлур эди. Негаки, юзлаб ташкилотлар вагон сўраб туришибди. Мамлакатимизнинг марказий районларига юборилиадиган мева-чева, сабзавот ва бошқа сифати тез бузиладиган юклар станцияларда вагонга махтал. Вагонларнинг умрини зое ўтказаётган корхоналар ва ташкилотлар, уларга раҳбарлик қилаётган министрликлар шу ҳақда ўйлашаётганмикин Бир кеча-кундузда 1140 вагоннинг умри бекор ўтди дегани, минглаб тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг станцияларда туриб, сифати ўзгариб юзлаб одамлар вагон кутиб, тоқати тоқ бўлди дегани эмасми?

Вагонни қадрламаслик фактлари кўплаб, юз бермоқда. Республикамиз бўйича беш ойда вагонларнинг кормадан ортиқ бекор туриши қариб икки ҳисса ортиб кетди. Бунинг учун турли корхона ва ташкилотлар 1 миллион 286 минг сўм миқдорида жарима тўладилар. Бу жарималар корхона ё ташкилотлар раҳбарлари, министрликларнинг масъул ходимлари чўнтагидан чиққан бўлса бунчаликка йўл қўйилмасди. Жарималар давлат қассасидан тўланаётгани учун минглаб сўмларнинг совурилаётганига корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари бефарқ қарамоқдалар.

Республика Савдо министрлиги ташкилотлари вагонлардан ўринли фойдаланиш ҳақида бир дақиқа ҳам ўйлаб кўришмаётганга ўхшайди. Министрлик ташкилотлари шу йилнинг беш ойида 587 минг сўм жарима тўлади. Чунки улар вагонларнинг юк операцияларида туришини ўн баравар ошириб юборишдилар. 2,6 соатда вагондан тушириладиган юкларни 27,2 соатга чўзиб юборишга уларнинг нима ҳақи бор? Вагонни қадрламаслик, бошқаларнинг ундан фойдаланишига тўғаноқ бўлиш жиноятнинг қайси турига киришини министрлик раҳбарларининг ўзлари ўйлаб кўришар. Темир йўлнинг Ҳамза станциясида «Узмисоритторг» ихтиёрига келган вагонлар 3,2 соат ўрнига 98,6 соат қаққайиб турганлигига нима дейсиз?

Темир йўлчилар — узоқни яқин, оғирни енгил қилишга даъват этилган касб эгалари Вагонлар эса улар учун асосий восита. Кимки, вагонлардан юкларни ўз вақтида тушириб олмас экан, у хизматга туҳмат қилган бўлади.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,

«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Шошмасанг-чи, бандлигимни кўриб турибсанку, ахир! М. Воробейчиков чизган расм.

Шаҳрисабздаги «Ҳужум» бадиий каштачилик фабрикасининг меҳнаткашлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилганлар. Суратда: пешқадам каштачи Зулфия Худойназарова (ўнгда) цех бошлиғи Мариям Бердиева билан.

С. Безносов фотоси.

Қабул имтиҳонлари арафасида

ОЛДИНДА—СИНОВЛАР...

Ҳозирги кунда ҳамма олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртлари пештоқига «Хуш келибсиз» деган илиқ сўзлар ёзиб қўйилгач. Бу сўзлар — ўрта мактабларни тугатиб, мустақил ҳаётга биринчи бор қадам қўяётган қалби олов ёшларимизга қаратилгандир Республикамиз олий ўқув юртлари, шунингдек ўрта махсус ўқув юртлари бу йил ҳам ўз қучоғига минг-минглаб иқтидорли ёшларни қабул қилади. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари А. Аъзамхўжаевга бир неча савол билан мурожаат этди.

САВОЛ: Бу йилги қабулга қандай тайёргарлик кўрилди?

ЖАВОБ: Ўқув юртларига қабул — жуда муҳим, жиддий масаладир. Бу ишни 3-4 кун ичида ижобий ҳал қилиб бўлмайди. Бунга тайёргарликни ҳали олдин бошлаш керак. 1968—1969 ўқув йилига студент ва ўқувчилар қабул қилишга тайёргарлик ишлари ҳам министрлигимизда ўтган йилнинг кузидан бошланган эди. Деярли ҳамма олий ўқув юртлари қошида тайёрлов курслари очилди. Айрим олий ўқув юртларида эса махсус мактаблар ташкил этилиб, бу мактабларга жалб қилинган ёшлар моҳир мутахассис олимлардан таълим олиб, ўз билимларини янада такомиллаштирдилар. Бундан ташқари, республикамизнинг ҳамма область ва районларига министрликнинг масъул ходимлари юборилди Улар жойларда қобилиятли ёшларни танлаб олиш, уларга касб танлашда ёрдамлашиш ишлари билан шуғулландилар. Бу ўринда, айниқса маҳаллий миллат қизларини кўпроқ ўқишга тортиш масаласида анчагина ижобий ишлар қилинганини таъкидлаб ўтиш зарур.

САВОЛ: Олий ўқув юртларига қабул бу йил қандай тартибда олиб борилади?

ЖАВОБ. Бу ўқув йилида республикамиздаги 39 олий ўқув юртига 30 минг 905 киши қабул қилинади. Ҳозир ҳамма олий ўқув юртларида қабул комиссиялари тузилди. Қабул комиссиялари составини билимдон, талабчан олим ва ўқитувчилардан тузиш масаласига алоҳида эътибор берилаётир. Шу кунларда қабул комиссияларининг аъзолари ўқув юртларига кириш учун ариза топширяётган ёшлар билан суҳбатлар ўтказяптилар, уларга касб танлашда кўмаклашяптилар. Ўз навбатида уларнинг билим даражалари қандайлиги ҳақида дастлабки хулосаларни ҳам чиқармоқдалар. Бундан ташқари, айрим олий ўқув юртларида абитуриентларнинг ўша илм даргоҳидаги ветеранлар билан учрашувлари ҳам ўтказиляпти. Кекса олимлар олий ўқув юртларида давом этиб келаётган энг яхши анъаналар ҳақида сўзлаб бермоқдалар. Ҳозир деярли ҳамма ўқув юртларида консультациялар бошланди. Бу консультацияларнинг сифатли, эффектив ўтишини биринчи навбатда ўша ўқув юрти маъмурияти жиддий назорат остига олиши керак.

Республикамиз халқ хўжалиги борган сари кўп тармоқли хўжалик бўлаётганлиги сабабли ўқув юртларида турли янги соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш масаласи кўндаланг бўляпти. Ҳозир олий ўқув юртларимиз 200 дан ортиқ турли касб бўйича мутахассис кадрлар етиштириб бермоқда.

САВОЛ: Ўрта махсус ўқув юртларига қабул ҳақида нима дейсиз?

ЖАВОБ: Республикамизда 149 ўрта махсус таълим ўқув юрти мавжуд бўлиб, улардан 63 таси бизнинг министрлигимизга қарайди. Ихтиёримиздаги ана шу ўрта махсус ўқув юртларига бу йил 17335 киши қабул қилинади Ҳаёт талабларининг кундан-кун ўсиб бориши натижасида ўрта махсус ўқув юртларида ҳам янги мутахассисликларни очишга тўғри келяпти. Олмалиқдаги тоғ-кон техникумида очилган иккита янги мутахассислик, шунингдек Тошкент политехникумидаги полиграфия машиналари ва ускуналари бўйича очилган янги мутахассислик ва бошқаларни шулар қаторига киритиш мумкин.

О. УСМОНОВ.

ЭРТАГИ ШОНАЛАРНИ САҚЛАНГ

А. ДАДАБОЕВ,
биология фанлари доктори

Республикамиз пахта далаларида мўл ҳосил учун кураш кун сайин, соат сайин қизғин тус олмоқда. Ҳосил тўплаш ойи ҳисобланган июлда деҳқонларимиз зўр ғайрат кўрсатиб ишлашяпти, ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилишяпти. Натижада катта-катта майдонларда барвақт шоналаган ғўзалар гулга кирмоқда.

Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг кўпгина хўжаликларида ғўзалар агротехника муддатларида парвариш қилинмоқда. Шу туфайли республикамиз жанубида жойлашган областларда ғўзанинг ривожи айниқса яхши. Бу ҳақда жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Лекин биз шу мақоламизда пахтакорларимизга эртаги шоналарни қандай сақлаб қолиш ва уларнинг гулга айланишини таъминлаш тўғрисида қисқача гапириб беришни лозим топдик.

Кўпгина районларда ғўза иккинчи ва учинчи марта суғорилмоқда. Лекин суғориш графигини бажариш кетидан қувиб, айрим жойларда сув талаб қилмаган ғўзалар ҳам суғорилятпи. Андижон, Фарғона ва Тошкент областларидаги хўжаликларда вилт касаллиги пайдо бўлганлиги окибатида ғўза маромида ўсмаётир, шоналари кам, гуллашдан бир мунча кечикмоқда.

Биринчи июлга қадар олинган маълумотларга кўра, республикамиз бўйича 28,8 процент майдондаги ғўзалар гулга кирган, 65,6 процент майдондаги ғўза шоналаган. Айни вақтда ҳалига қадар ғўзаларнинг 5,6 проценти шоналагани йўқ. Ҳар гектар ерда ўртача 83 минг туп кўчат бор. Бу рақамлар шуни кўрсатадики, ғўзаларимиз 1965, 1966 ва 1967 йилларнинг шу давридагига нисбатан хали ёш. Лекин 1964 йилнинг шу вақтидагига қараганда яхшироқ деса бўлади.

Лекин барча майдонларда юқори ҳосил етиштириш, олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун бизда ҳамма асос ва имкониятлар бор.

Ҳавонинг ҳозирги ҳарорати ғўзанинг тез ривожланиши ҳамда серҳосил бўлиб ўсиши учун катта қулайликлар туғдираётганлигини эътироф этиш керак. Кўпгина область ва районларнинг далаларида ғўзалар вегетация даври учун зарур бўлган иссиқликнинг 25-30 процентидан бахраманд бўлишди. Қолган иссиқликнинг 70-75 процентидан бундан буён фойдаланишга тўғри келади. Шу иссиқлик вегетация даври охирига қадар сарфланиши лозим. Ҳавонинг шу иссиқлик ҳароратини қайси ойларда кутиш мумкин, деган савол туғилади. Бунга жавоб қисқача: июль, август, сентябрь ва октябрь ойларида ғўзалар ана шу миқдорда иссиқлик ҳароратидан бахраманд бўла олади. Негаки, ана шу ойлар давомида кунлар узайган вақт бўлади, қуёш илик ҳарорат пуркаб туради.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг турли область ва районларида ҳар хил вақтда ҳаво совий бошлайди. Тошкент областида октябрь ойининг 10-15-кунларида совуқ тушади. Наманганда эса бу 27 октябрга тўғри келади. Ўтган йили Наманганда 19 ноябрда, Косонсойда эса 14 ноябрда совуқ бўлди. Бундан кўриниб турибдики, биринчи апрелда ёки 10 майда экилган ғўзалар 200-220 кун совуқ урмасдан ўсар экан.

Август ва сентябрь ойларида ғўзалар июль ойидаги каби тез ўсмаса ҳам, улардаги шоналарни мевага айлантириш учун яхши парвариш қилиш зарур. Май ойида экиладиган «108-Ф», «153-Ф», «152-Ф» сингари саноат пахта навлари ва бошқа навлар экилган кунидан то пишиб етилишига қадар 135-145 кун талаб этади. Хўш, ҳозир шонага кирган ғўзаларни гуллатиб, кўсакларини очилтириб олгунча неча кун талаб қилинади?

Масалан, бир туп ғўзада биринчи июлда дастлабки шонани кўрдик, дейлик. Бу шона 25-27 июлда гулга айланади. Бу гул кўсакка айланиб, 20-25 сентябрга борибпахтаси очилади. Шу хусусда ғўза биологиясини эслатиб ўтишга тўғри келади: Ғўза ердан икки қулоч бўлиб (уруғ палла) барг кўрсатганидан кейин 8-10 кун ўтгач, биринчи чинбарг чиқаради. Шундан сўнг 3-3,5 кун ўтгач янги-янги баргларнинг миқдорини ва ҳажмини кўпая боради. Бу йил об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши туфайли ғўзанинг сувга талаби ҳар йилдагидан фарқ қилмоқда. Шунинг учун ҳам Наманган области деҳқонлари ўқариқлар узунлигини 80-90 метр қилиб олиб ғўзанинг талабига қараб, группа усулида суғоришни жорий этаётирлар. Шундай қилиниши ғўзанинг сувсиз қолишига ва оптимал сув ичишига йўл қўймайди. Сирасини айтганда, сув ҳам ҳосил тўплайди.

Ғўза ҳашаротлари ва зараркунандаларига қарши кураш шу кунларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳозирги вилт июль ойида ҳарорат юқори бўлганлиги сабабли тўхталиши, лекин август ойида яна кўпайиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб, бундай карталарда эрта пайдо бўлган шоналарни мумкин қадар кўпроқ сақлаб қолиш чораларини кўриш зарур.

Чеканкани қандай ўтказиш тўғрисида икки оғиз сўз: даставвал, ғўзаси чеканка қилиниши лозим бўлган картаплариннг қалинлиги текшириб чиқилиши лозим. Шундан сўнг у ёки бу пайкалдаги ғўза чеканкаси бўлиб ўсганлиги аниқланади. Чеканкадан асосий мақсад эрта пайдо бўлган шоналарга етарли миқдорда озуқа етказиб бериш ва уларнинг гулга айланишини, гулларнинг эса тўқ кўсаклар пайдо қилишини таъминлашдан иборатдир. Ғўза тупларида 12-14 та шох пайдо бўлганида чеканка ўтказилгани маъқул.

Июль ойи давомида ўтказиладиган барча агротехника тадбирлари эрта пайдо бўлган шоналарни сақлаб қолишга қаратилмоғи зарур. Чунки эртаги шонада—мўл ҳосил нишоналари кўп бўлади. Ҳозирги битта шона август ойининг уч-тўртта шонасидан афзал.

Мамлакатга 4 миллион 100 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга қатъий бел боғлаган серқуёш республикамиз азаматлари ўз вазифаларининг устидан чиқиш учун пахтазорларда қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Улар ғўза тупларидаги шоналарни сақлаб қолиш ва гулга айлантириш, гулларнинг тўқ кўсаклаога айланишини таъминлаш учун нималар зарур бўлса, барчасини маромида бажо келтиришяпти. Шунинг учун ҳам мўл ҳосилга умид ва ишончимиз катта.

Ғўза агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмайди. Вегетация даврида қондириб суғорилмайди, ўз вақтида озиқлантирилмайди. Культивация ернинг нами қочмасдан ўтказилмайди, чеканкага етарли аҳамият берилмайди, ҳашаротлар ўз вақтида йўқотилмайди. Бунинг устига эртаги шоналар кўплаб тўктириб юборилади.

Ғўза тупларида июнь ва июль ойларининг бошларида пайдо бўлган шоналарнинг тўкилиб кетиши — эрта пишадиган, юқори сифатли, мўл ва арзон ҳосилни қўлдан бой бериш демакдир. Бунинг учун нималар қилиш керак?

Аввало, июль ва август ойларида пахта майдонларини ортиқча кўчатлардан халос қилиш керак. Тошкент областининг Бўка, Қашқадарё областининг Косон ва Қарши районларидаги кўпгина хўжаликларда бегона ўт гуллай бошлаган. Уларни йўқотмасдан туриб мўл ҳосил тўғрисида қанча гапирилса ҳам бефойда. Ғўза учун ажратилган ўғитларни тўла норма билан бериб бўлмаган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Айрим колхоз ва совхозларда минерал ўғитлар дала бошида, бостирмаларда сочилиб ётибди. Маълумки, ғўза гуллаш даврида ўғитга талабчан бўлади. Шона ва гул тез ўсади. Вақтида озиқлантирилмаган ғўзалар шона ва гул ташлайди, эрта пайдо бўлган шоналар тўкила бошлайди.

Ана шунинг олдини олиш учун тез кун ичида ғўзага селитра, мочевина ва калий ўғитларини тўла бериб бўлиш керак. Мўл ҳосил етиштиришда суперфосфат, маҳаллий ўғитнинг ҳам аҳамияти каттадир. Хусусан, ғўза гулга кирганида чигитлари тўқ бўлиши учун суперфосфатга бўлган талаби ҳам ортади. Ғўг эса ғўза учун ҳамма вақт керак. Шунга кўра, чириган ғўнгдан яхши фойдаланиш талаб этилади.

Шу кеча-кундузда ғўзаларнинг сувга бўлган талаби зўр. Ҳозир сув ғўзага малҳам бўлади. Ҳар туп ғўзада барглларнинг миқдори ва ҳажми кўпая боради. Бу йил об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши туфайли ғўзанинг сувга талаби ҳар йилдагидан фарқ қилмоқда. Шунинг учун ҳам Наманган области деҳқонлари ўқариқлар узунлигини 80-90 метр қилиб олиб ғўзанинг талабига қараб, группа усулида суғоришни жорий этаётирлар. Шундай қилиниши ғўзанинг сувсиз қолишига ва оптимал сув ичишига йўл қўймайди. Сирасини айтганда, сув ҳам ҳосил тўплайди.

Ғўза ҳашаротлари ва зараркунандаларига қарши кураш шу кунларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳозирги вилт июль ойида ҳарорат юқори бўлганлиги сабабли тўхталиши, лекин август ойида яна кўпайиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб, бундай карталарда эрта пайдо бўлган шоналарни мумкин қадар кўпроқ сақлаб қолиш чораларини кўриш зарур.

Чеканкани қандай ўтказиш тўғрисида икки оғиз сўз: даставвал, ғўзаси чеканка қилиниши лозим бўлган картаплариннг қалинлиги текшириб чиқилиши лозим. Шундан сўнг у ёки бу пайкалдаги ғўза чеканкаси бўлиб ўсганлиги аниқланади. Чеканкадан асосий мақсад эрта пайдо бўлган шоналарга етарли миқдорда озуқа етказиб бериш ва уларнинг гулга айланишини, гулларнинг эса тўқ кўсаклар пайдо қилишини таъминлашдан иборатдир. Ғўза тупларида 12-14 та шох пайдо бўлганида чеканка ўтказилгани маъқул.

Июль ойи давомида ўтказиладиган барча агротехника тадбирлари эрта пайдо бўлган шоналарни сақлаб қолишга қаратилмоғи зарур. Чунки эртаги шонада—мўл ҳосил нишоналари кўп бўлади. Ҳозирги битта шона август ойининг уч-тўртта шонасидан афзал.

Мамлакатга 4 миллион 100 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга қатъий бел боғлаган серқуёш республикамиз азаматлари ўз вазифаларининг устидан чиқиш учун пахтазорларда қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Улар ғўза тупларидаги шоналарни сақлаб қолиш ва гулга айлантириш, гулларнинг тўқ кўсаклаога айланишини таъминлаш учун нималар зарур бўлса, барчасини маромида бажо келтиришяпти. Шунинг учун ҳам мўл ҳосилга умид ва ишончимиз катта.

Самарқанд шаҳридаги шойи тўқув фабрикасида Хушвақт Ғуломова сингари пешқадам ишчилар кўп. Улар ҳалол меҳнат қилиб, корхона ютуқларини кўпайтирмоқдалар. Суратда: ўртоқ Х. Ғуломова.

А. Тўраев фотоси.

Тошкент телевизион маркази орқали Москва рангли эшиттиришлари ҳам олиб кўрсатилмоқда. Суратда: телемарказнинг передатчиклар зали, катта инженер Эркин Бойматов иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

КАМОЛ ТОПГАНЛАР

ЛАВҲА

Наманган Ўзбекистоннинг кўрки, рамзи, чаманзоридир. Бу гўзал диёр ўзининг бутун бойлиги, хуш ҳавоси, манзараси билан таъриф-тавсифга сазовор. Унинг олтин ери, зилол сувлари инсон қалбини ўзига мафтун этади. Наманганнинг хилма-хил мевалари: узум, гилос, олча, олма, шафтоли, айниқса қизил олмалари, келинг-чи бу ёғи ҳандалагу қовунлари дастурхон безагидир.

Қардош Қирғизистонга туташ ўтлоқдаги чорва молларни айтмайсизми! Сут-каймоқ, мазали саримой ҳам мана шу областда, мана шу диёрда.

Ўтган 1967 йили Наманган янгидан область бўлиб тузилган эди. Бу Наманган меҳнаткашларини қувонтириб юборди, меҳнатга бўлган ғайрат-муҳаббатларини оширди.

1968 йилда кенжа область меҳнаткашлари давлатимизга, халқимизга мўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бера бошладилар. Шуниси қувонарлики, наманганликлар биринчи йилиёқ қийинчиликларни енгиб, пилладан мўл ҳосил олдилар. Давлатга 1600 тонна ўрнига 1900 тонна ваъло сифатли пилла топширилди.

Тоғлар орасидаги гўзал Чуст райони меҳнаткашлари 5827 қути ипак қурти боқиб давлатга 336 тонна пилла топширдилар. Район партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Маматхон Боболонов пиллакорларнинг ишлари ҳақида ҳикоя қилар экан, шундай деди:

— Табиат қийинчиликларини енгиб, ҳавонинг салқин келиши, ҳароратнинг кескин тушиб кетиши натижасида тут баргининг етишмай қолишига қарамай, шу йил 3 июнь куниёқ давлат плани ортиғи билан бажарилди. Ҳар қути уруғдан 64 килограммдан ҳосил кўтарилди. «Ўзбекистон», «Қизил Октябрь», «Правда» ва Энгельс номли колхозлар планни 130-140 процентдан бажардилар. Худойбердиев номли совхоз пиллакорлари ҳам ваъло сифатли маҳсулот топширдилар ва планни 130 процентдан ортиқ қилиб бажардилар.

Пиллакорликда Чуст райони каби Наманган областининг Уйчи, Поп Наманган, Задарё меҳнаткашлари ҳам катта меҳнат қилдилар.

Инсоннинг матонати, жасорати ҳар қандай ишларни ҳам қилишга қодир. Наманганликлар пахтакорликда ҳам довруғ қозонганлар. Наманганнинг асл фарзанди Иброҳим Раҳматов бундан 30 йил аввал 100 центнерчилик ҳаракатида ном чиқариб, тилларда достон бўлган эди. Ҳозир эса Раҳматовларнинг ота-боболарининг удумини давом эттириб, пахтакорликда янги зафарларга эришмоқдалар. Бу заҳрат ишига астойдил бел боғлаб меҳнат қилиб, Наманганга Марказий Фарғона кенглигидан янги ерлар қўшиб ишлаётган мардлар номини ҳамма билади.

Эллар тилга олса ўзбек диёрин,
Дейди: - Ўзбекистон жони
Наманган,
Наманганда кўрдим жаннат
виқорин,
Нози-неъматларнинг чони
Наманган.

Пахтачиликни ривожлантиришга астойдил бел боғлаган наманганлик пахтакорлар республикамизнинг бу йилги 4 миллион юз минг тонналик балоғ хирмонига 400 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга бел боғлаганлар. Сиз буни шу кунларда далаларда матонат билан меҳнат қилаётган механизаторларнинг унумли ишларида ҳам кўрасиз. Биз область пахтакорлари ҳузурида бўлдик. Айниқса, азамат Поп район пахтакорларининг мардонавор ишлари ғаҳсинга сазовордир. Поплиқлар бу йил 40 минг тонна «оқ олтин» топшириш учун ишламоқдалар. Поп район партия комитетининг биринчи секретари Бургутали Рафиқалиев билан кўпгина колхозларни, пахтазорларни кездик. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Одилов раислик қилаётган Ленин номли колхозда бўлдик. Бу ерни Ғурумсарой деб атайдилар. Янги типдаги уйлар, клуб, ҳаммом, кутубхона, асфальт йўллар...

— Биз ерни қадрлаймиз, шунинг учун ҳар йили пахтазоримизни кенгайтирялмиз, — деди Аҳмаджон Одилов. Бу йил ҳам ер очдик. Биз мана шу тошлоқ устига машина-машина тупроқ солиб, пахта экаверамиз.

Поп районидаги «Правда» колхозидан Абдужалил Каримов, «Москва» колхозидан А. Алиматов, Э. Нуриддинов, Ҳ. Абдуллаева, В. Эшқўзиев, Ленин номли колхозидан Эсонали Кенжаев, «Партия XXII съезди» колхозидан Мадика Ҳасанова, «Коммунизм» колхозидан Роҳатой Оллоёрова каби азамат пахтакорларни ҳурмат билан тилга оламиз.

Хушҳаво Варзик қишлоғидаги Фрунзе номли колхознинг ишлари билан танишдик. Колхоз раиси пахтакор йигит Ҳамид Жураев колхозчиларнинг, айниқса пахтакорларнинг ишлари ҳақида сўзлаб бундай деди:

— Биз варзиқлик пахтакорлар 1200 гектар ерда ғўза ўстирямиз. Ҳозир айни ҳосил тўплаш пайти. Биз бу йил 3 минг 300 тонна «оқ олтин» топширишга ваъда қилганмиз. Раис билан жуда кўп бригадаларни айландик. Мирза Дадажонов Варзиқдаги Фрунзе номли колхозда энг яхши трактористлардандир. «Ерни қадрлаганни, эл қадрлайди» дейди Мирзажон.

Ҳамиджон Жўраев Фрунзе номли колхознинг янги ер очиш тажрибаси ва шу ерларда қилинаётган ишлар ҳақида сўзлади.

— Ҳозир, Қуқунбойда очган 100 гектар ердаги экинни авайлаб парвариш қилмоқдамиз. Бу ерда Ўртоқ Усмон Умаров бригадаси ишламоқда. Ҳозир 3-комплекс парваришни тугаллаб ғўзаларни мириқтириб суғоришмоқда.

Наманган районидаги Тельман номли колхоз 25 хилдан ортиқ ноз-неъмат етиштиради. Янги пишган мевалар шу кунларда колхознинг шаҳардаги озода дўконларида меҳнаткашларга сотилмоқда. Ишчиларни, хизматчиларни мамнун қилаётган колхозчилар ҳозир далани чамандек қилиб қўйдилар. Карам, помидор пишди.

Колхоз раисининг маданий-оқартув ишлари бўйича ўринбосари, зийрак журналист Тошпўлат Расулева кишларнинг маданий дам олиши ҳақида кўп ўйлайди. 89 кишидан иборат агитаторлар колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб боради. «Олга», «Машъал», «Механизатор» деворий газеталари илғорлар тажрибасини оммалаштирмоқда.

Ҳамидхон Мамажонов тадбиркор раис. У колхознинг бу йил етиштириб бераётган маҳсулотлари ҳақида гапирар экан, давлатга 9955 тонна помидор, 200 тонна бодринг 756 тонна карам, қовунтарвуз ва бошқа маҳсулотларни кўплаб етиштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўзлайди.

Наманган ўлкамизнинг кенжа области сифатида маҳсулот етиштиришда ҳам ободончиликда ҳам бошқа областлар билан сафма-саф бормоқда. Наманганликлар пилла, гўхум, гўшт тайёрлаш ярим йиллик планчи ортиғи билан бажардилар. Ҳозир галла ўрим-йиғими қизғин бормоқда. Наманган деҳқонларининг асосий эътибори 400 минг тонналик «оқ олтин» хирмони яратишга қаратилган. Бу улкан хирмонга деҳқонлар далада тўкаётган маржон-маржон терлари жасоратга тенг меҳнатлари билан замин яратмоқдалар.

Ю. ҲАМДАМОВ.

МАРОҚЛИ ЛЕКЦИЯЛАР

«Билим» жамиятининг лекторлари катта роль ўйнамоқдалар. Бу соҳада Нурота район «Билим» жамияти ҳам бирмунча ишларни бажарди. «Билим» жамияти район ташкилотининг 250 аъзоси 18 та бошлангич группага жиплашган. Лекторларнинг кўпчилиги олий маълумотли мутахассис коммунистлардир.

Лекция пропагандасида районда ташкил этилган халқ университетлари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. 1967 — 1968 ўқув йилида районда 2 жойда ота-оналар университети, район бирлашган касалхонаси қошида эса сиҳат-саломатлик университети иш олиб борди.

Лекторлар кучи билан 1968 йилнинг олти ойи ичида 1600 лекция-суҳбат ўтказилди. Бударга 48 минг тингловчи иштирок этди. Тингловчилар қишлоқ хўжалиги, фан ва техника, педагогика, медицина, ҳуқуқшунослик ва бошқа соҳаларга доир лекциялар тингладилар. Лекция пропагандасида партиямизнинг съезд ва пленумлари қарорлари, халқаро аҳвол катта ўрин эгаллаган. Халқ аро пролетариатнинг буюк доҳийлари К. Маркс туғилган кунининг 150 йиллиги, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига доир лекциялар кўплаб ташкил этилди.

Лекция пропагандаси «Нурота», «Қизилча», Ленин номли совхозларда ҳамда район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасида, Пушкин номли 1-сон ўрта мактабда намунали ташкил қилинган.

Ашур Жумаев, Шариф Пўлатов, Маҳмуд Бозоров, Нозигул Нуруллаева, Зайни Сафаров, Қодир Ҳазратов, Бурҳон Шокиров, Нуржон Каримов, Баҳриддин Рустамов, Маҳмуд Менглиев, Муҳаммад Ҳамидов сингари ишчан лекторларимиз жойларда тез-тез бўлиб, аҳолини қизиқтирувчи темаларда мароқли ва сермазмун суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Районимиз меҳнаткашларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг илғорлари, революция ветеранлари, гражданлар ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари билан бўлган учрашувлари ҳам катта таассурот қолдирди.

М. РАҲМАТОВ,
«Билим» жамияти Нурота район бўлимининг масъул секретари.

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

ОҚИБАТ

Салимжон ўғил кўрибди. Кеча чақиртирган экан. Чиқмадим. Уйлангандан оёғим олти, қўлим етти бўлиб хизмат қилгандим. Болаликдан бир кўрпада тепишиб катта бўлганмиз, ахир.

Дўстим тўйдан бир ой илгари келин бўлмишнинг суратини кўрсатган эди.

— Калай, дурустми?

Келин дуруст эмас, барно қиз экан. Салимжоннинг ўзи билан бир мактабда ўқитувчилик қиларкан.

Шундок-ку, тўйдан кейин онам ноҳуш гап айтиб қолди.

— Ойжамол шўрликнинг бир кўзи, минг бир ёши... Келини тушмагур жуданм оёқости қилиб юборяпти-ку, ўзгиз болам бировнинг қош-қовоғига қарамасин деб бева боши билан шунчалик ўстирган эди бояқиш...

Онамни юпатган бўлдим.

— Ариқ бир лойқамасдан тинимайди. Тинчиб кетишар.

Йўқ, ҳаделанда тинчиб кетиша қолмади. Бир куни Салимжоннинг ўзи ёрилиб қолди.

— Жуда миям шишди. Кампирда ҳам айб кўп. Ҳамма нарсага аралашаверадилар...

Қизиқ, йигирма беш йил яхши бўлган онаси шунчалик тез ўзгариб кетибдими-а.

Кўп ўтмай, Салимжоннинг «қулоғи тинчиди». Ойжамол хола касалхонага тушди. Иш билан бўлиб кетиб ҳаделанда бора олмадим. Бир куни борсам, Ойжамол хола йиғлаб ўтирибди.

— Салимжон яхши юрибдими? — дейди.

Ич-ичимдан зил кетдим. «Келмабди-да!» Уни ранжитмаслик учун ёлғон гапирдим.

— Командировкада экан. Кеча сўрагандим. Бугун-эрта келиб қолса керак...

Кечқурун Салимжонни қойидим.

— Биррор кўриб келсанг, асаванг кетадими? Онанг-ку ахир! Шу умид билан ўстирганмиди, Арзимаган бир совға кимни ўлдирибди? Касал ётган бўлса, бу ёғи байрам келяпти... Е хотининггдан қўрқасанми?

Охирги гапим оғир ботди шекилли, «сен ҳадиям бой-феодалсан» дегандай гап қилиб чиқиб кетди.

Йўқ, хайтовур эртасига онасини йўклаб касалхонага борибди.

Икки кундан кейин онам яна ноҳуш хабар айтди. Салимжон онасига аллақандай совға олиб борган экан. Тешик қулоқ, келин эшитиб қолибди. Бемаслаҳат иш қилгани учун жанжал чиқибди. Тешик қулоқ... Ҳамма гапни Ойжамол хола ҳам эшитибди.

Шу куни касалхонага борсам, Ойжамол хола оғирлашиб қолибди. Жигари касал экан. оёқ-қўли шўшиб кетибди.

У мени кўрди-ю, ёстиғининг тагидан газетага ўроглик алланимани олиб узатди.

— Мана шуни келинимга олиб бориб беринг, гирриттон... Байрам келяпти.

Йўқ деёлмадим. Уйга олиб келдим: кўйлаклик экан. Бир қийим хаворанг штапель. Ким билсин, Салимжон олиб берган совға бўлса керакда.

Ўзим чиққим келмади. Онамдан чиқартириб юбордим...

Дунёнинг ишлари шунақа экан. Уч кундан кейин дўстимнинг уйидан фарёд товуши чиқди. Ўша куни Салимжон ўксиб-ўксиб йиғлади. Бемаслаҳат йиғлагани учун келин қойиб берадими, деган эдим. Йўқ, хайтовур индамади. Қайтага ҳаворанг штапель кўйлак кийиб елиб-югуриб хизмат қилди. Севимли қайнонасининг азасида оҳарлик киймаган келин. келинми!

Дунёнинг ишлари шунақа экан. Кеча Салимжон ўғил кўрибди. Чақиртирган экан, чиқмадим. Мабли, умри билан берган бўлсин. Ўсаверсинчи.

НОН

Қатортол ғузарида бир туп кекса, ораси кавак тол бор. Толнинг тагида ерга йўғон қозиқ қоқиб, устига тахта ташлаб ясалган курси ҳам бор. Ана шу ерда эртадан-кечгача бир киши ўтиради. Кийимлари кир. Тамакидан сар ғайиб кетган соқол-мўйлови орасидан яккам-дуккам гиштлари кўриниб турарди. Лаби гирриқ. Чап кўзи кўр. У бир тўрва писта, бир халта қурутни олдига қўйиб кун бўйи ўрмак қилади.

Ҳар оқшом ишдан қайтаётганимда унинг ёнига келаманда, тўрвасига ўн тийин ташлаб ўтаман. Йўқ, мен писта олмайман. Лекин ҳақини тўлаб кетаман. У мени танимайди. Кетимдан ҳайрон ижжайиб қолади. Аммо мен уни танийман.

Бундан роппа-роса йигирма йил илгари худди шу ерда худди шу тол тагида кўрганман. Кўрганману, қалбимга зирапчалек ўрнашиб қолган бу одам.

Беш яшар бола нимани эслашга қодир бўлса, мен ҳам шуни эслаб қолганман. Ёдимда. нонни яхши кўрардим. Чамаси, урушнинг охирги йиллари бўлса керак. Эс-эс биламан. Қўшнимизнинг уйидан доим нон ҳиди келиб турарди. Онам ҳар куни қўшнимизникига чиқиб кетар. кечкурун қулча олиб чиқарди. Бу нон — меники бўларди.

Бир кучи у мени ҳам етаклаб чиқди. Қўшни хотин бир сават қулчани санаб онамнинг қўлига тутқазди. Мен бир йўла шунча нон бўлиши мумкинлигини тасаввуримга сиғдира олмасдим. Кейин билсам, бу нонлар бизга эмас экан.

Сирғанчиқ, лой кўчалардан ўтиб, худди шу тол тагига келганимизни эслас-эслас эслайман. Ўша куни оёғим қаттиқ совуқ қотгани ҳам ёдимда бор.

Онам нонларнинг устини энди очган эди. Гузар тўс-тўполон бўлиб кетди.

— Қоравой мўйлов! Қоравой мўйлов келяпти!

Одамлар бақириб-чақириб тарқалиб кетишди. Онам саватни энди кўтарган эди, қизил шапка кийган шопмўйлов бир одам югуриб келиб шаппа қўлидан ушлади.

Ҳа, мен гўдак эдим. Аммо онамнинг чирқиллаб ёлборгани ҳамон қулоғим остидан кетмайди.

— Жон ука, жон ука! Нон меникимас, новвойники... Эрим урушда ўлган. Сотиб берганим учун новвой битта нон беради. Менгамас, мана шу болага раҳмингиз келсин...

Онам бир қўллаб саватни бақинига босганича, бир қўли билан мени кўрсатар, ҳа деб йиғлар эди.

Ўша пайтда Қоравой мўйлов нимани ўйлаганини билмайман. Аммо шуниси ёдимда бор: у менга бир қараб қўйди-ю, саватни силтаб тортди. Нонлар ерга сочилиб кетди. У ҳар битта нонни олиб, майдалаб лойга улоқтирар, онам ҳамон атрофида айланиб йиғлар эди. Мен бўлсам йиғлашни ҳам унутиб қайрон бўлиб қолгандим. Бу одам нима учун нонни лойга ташлаётганига тушуна олмасдим.

Ўша кундан бошлаб новвой бизга кулча бермай қўйди. Қизиқ, мен ҳам онамга хархаша қилмайдиган бўлдим...

Уруш ҳам битди. Нон ҳам кўпайди. Қоравой мўйлов одамларнинг ёдидан чиқиб кетди ҳам. У аввалига домком бўлиб юрди, кейин қоровул бўлди. Бир куни кайф устида улфатларидан бири уни пичоклаб қўйибди деб эшитдик.

Йўқ, ҳайтовур ўлмаган экан. Бир кўзи кўр бўлибди...

Хозир у ўша тол тагидаги скамейкада эртадан-кечгача ўтиради. Кийимлари кир... Бир тўрва писта, бир халта қурутни кун бўйи ўрмак қилади.

Хар оқшом ишдан қайтаётганимда тўрвасига ўн тийин ташлаб ўтаман. Йўқ, мен писта чақмайман. Шунчаки...

Ўткир ҲОШИМОВ.

СУНГГИ МАКТУБ

Армияда хизмат қилиб юрган пайтларимда сафдошларим билан эски окоплар ўрнидан ичига хат солинган шиша ва гилзалар топиб олганмиз. Мана, уларнинг бири:

Уйлаган нарсамни топганим йўқ мен,
Топарман шубҳасиз уни юртимдан,
Умрим орқасидан чопганим йўқ мен,
Умрим чопиб келар менинг ортимдан.
Мен уни ўлимдан асрадим шунча,
Шунча ботқоқлардан олиб ўтдим пон,
Шунча оловларда куймаган ғунча,
Баҳор келгач қилар ёқасини чок.
Зах ерда ҳат ёзиб ётибман ҳозир,
Нафас ростлаш пайти. Замбаранлар ним.
Олам ҳалокати бўлгандай содир.
Атрофда дахшатли сукунат лойим
Биламан бу сукут чўзилмас узоқ,
Урушда сукутнинг қисқадир умри.
Ҳадемай бошланар момақалдироқ,
Момақалдироқнинг кўп эмас гури.
Кечир ўз дардимни айтибман фақат
Менинг одатимга бўлмагин қайрон
Бу ерда кўз [illegible] ўтирса ҳаҳлат
Сенга ҳам у ерда эмас осон.

Маъруф ЖАЛИЛ

ИНСТИТУТНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Республикамизнинг пойтахти Тошкент фан ва маданиятнинг йирик марказларидан биридир. Пойтахтда йирик олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ишлаб турибди. Олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари учун ажойиб бинолар қурилмоқда. Мана бу суратда республика Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг янги кўркам биносининг салобати акс эттирилган.

И. Глауберзон фотоси.

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССР, Бухоро области ва Фарғона водийсида ҳаво бироз булутли бўлади. Шимолий-ғарб томондан секундига 5—10 метр тезликда шамол эсади. Фарғона водийсида шамолнинг тезлиги 20 метргача боради. Республикадаги қолган районларнинг айрим жойларида бироз ёғин ёғади, момақалдироқ бўлади. Шимолий-ғарб томондан секундига 10—15 метр тезликда шамол эсади, чанг-тўзон кўтарилади, 29—34 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво булутли бўлиб бироз ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлади. Шимоли-ғарб томондан секундига 15 метр тезликда шамол эсади, 31—33 даража иссиқ бўлади.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ПЛАНЕТАМИЗДА

ПОЛЬША БИРЛАШГАН ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ЁПИЛДИ

ВАРШАВА, 10 июль. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг партия V съездига тайёргарлик кўриш масалаларини муҳокама қилган XII пленуми кеча ўз ишини тамомлади. Кун тартибидаги биринчи масала Марказий Комитетнинг съездга чиқарган тезисларини тасдиқлаш юзасидан 30 киши сўзга чиқди. Пленумда Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Владислав Гомулка нутқ сўзлади.

Пленум Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг съездга чиқарган тезисларини якдиллик билан тасдиқлади.

Пленум 1968 йил 11 ноябрда партиянинг қуйидаги кун тартиби билан V съездини чақириш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

1. Марказий Комитетнинг ҳисоботи ҳамда Польша Халқ Республикасини мустаҳкамлаш ва тағин ҳам ривожлантириш юзасидан вазифалар.

2. Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи.

3. Марказий Комитет ва Марказий ревизия комиссиясини сайлаш.

Марказий Комитет партиянинг V съездига вакиллик нормалари ва делегатларни сайлаш тартибини ҳам белгилади.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Пленум Эдвард Охаб илтимосини қондирди ва уни саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзолиги вазифасидан озод қилди.

Владислав Вих пенсияга чиққанлиги муносабати билан унинг илтимосига биноан пленум уни Марказий Комитет секретари вазифасидан озод қилди.

Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг пленуми Марказий Комитет секретари Болеслав Яшчукни Сиёсий бюро аъзоси қилиб сайлади. Мечислав Мочар Сиёсий бюро аъзолигига кандидат ва Марказий Комитет секретари қилиб сайланди.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

СОЛСБЕРИДА УЧ ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

◆ ДОРУССАЛОМ. Солсберида озодлик учун курашувчи африкаликларнинг янги группасидан уч олишга тайёргарлик кўрилмоқда. Иркчи судьялар 32 ватанпарварни суд қилмоқдалар. Улар Родезияда мавжуд иркчилик террори ва зулмга қарши қуролли курашда иштирок этганликда айбланмоқда. Айблов ўлим жазосини кўзда тутувчи фашистлар қонуни асосида қўйилди.

ЕМҒИРЛАР ВА ТОШҚИНЛАР

◆ ДЕҲЛИ. Сўнгги 50 йил мобайнида бўлган энг кучли муссон жалалари Калькуттани жуда катта кўлга айлантириб юборди.

Икки кун мобайнидаги ёмғир миқдори ўтган йилнинг июлида ёққан ёмғир миқдоридан 235 миллиметр кўтарилиб кетди.

Шаҳар ва шаҳар атрофидаги, пастлик районларидаги неча мингдаб кишилар бошпанасиз қолдилар. Аҳоли ўртасида қурбонлар бор.

(ТАСС).

АМЕРИКАЧАСИГА «ИМПОРТ»

Ғарб матбуотининг хабар беришича, Америка Қўшма Штатлари ривожланаётган мамлакатлардан турли касбдаги мутахассисларни оммавий равишда «импорт» қилиш учун 1 июлдан бошлаб, мамлакат ичкарисини ларг очиб қўйди. Яқин уч йил мобайнида 48 минг врач, инженер ва илмий ходим Қўшма Штатларга келиш учун рухсатнома олади. Мустамлакачилардан мерос бўлиб қолган қолоқликни бартараф этиш учун интилаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги давлатларда Вашингтоннинг бу ниятн тўғридан-тўғри диверсия деб баҳоланмоқда

Ривожланаётган мамлакатлар халқларининг миллий кадрлар ўта етишмаётганидан ташвишланаётганлиги ЮНЕСКОнинг эътиборини жалб қилди. Унинг таклифига биноан уч қитъадаги тўққиз мамлакатда, жумладан, Бирлашган Араб Республикасида тегишли докладлар тайёрланди. Шу муносабат билан Қоҳирада чиқадиган «Ал Аҳром» газетаси кадрлар етишмаслиги мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олган Бирлашган Араб Республикасининг жиддий проблемаларидан биридир, деб ёзди. Газетанинг маълумотларига қараганда Бирлашган Араб Республикасида ҳар 2200 аҳолига бир врач, ҳар 10 минг кишига 1 фармацевт, ҳар 21 минг кишига 1 тиш врачи тўғри келади. Халқаро нормаларга биноан эса бир врач бир минг кишига, бир фармацевт бир ярим минг кишига ва бир тиш врачи беш минг кишига хизмат қилиши керак

Муҳокама қилинаётган проблема деб таъкидлайди газета, ривожланаётган бошқа мамлакатларда янада жиддийроқдир Америка Қўшма Штатлари биргина 1967 йилда Ҳиндистондан 3223 мутахассисни, Филиппиндан 2290 мутахассисни ва Осиёнинг бошқа давлатларидан кўп мингдаб мутахассисларни олиб кетди. Импорт қилинган мутахассислар, нинг кўпчилиги врачлардир. Врачлар эса жуда ҳам етишмайди Қўшма Штатлар ривожланаётган мамлакатлардан истеъдодли кишиларни ўзига оғдириб олиб, бу мамлакатларга йилига миллион доллар лаб ҳисобланадиган жуда катта моддий зиён етказмоқда, деб гувоҳлик берди газета.

«Фозилларни ўғирлаш, — деб ёзади сўнгра «Ал Аҳром», — империалистик сиёсатнинг жазо воситасига айланмоқда. Бирлашган Араб Республикасини у танлаб олган тараққиёт йўлидан оғдира олмаган Исроил агрессияси туфайли вужудга келган титроқ янгиларни бу мамлакатга қарши игволарнинг энг нозик шаклларини ишга солишга мажбур қилмоқда Араб жамоатчилиги Америка Қўшма Штатларининг Бирлашган Араб Республикасидан ташқари араб мамлакатларидан илмий кадрлар ва студентларни оғдириб олиш учун ажратилаётган фондни камайтириш тўғрисида яқинда қабул қилган қарорини худди шундай баҳоламоқда. Бирлашган Араб Республикаси илмий кадрлари ва студентларини оғдириб олиш учун фонд эса аксинча, «иқтисод» ҳисобига кўпайтирилапти. Бу қарор ташаббускорларининг фикрича, Бирлашган Араб Республикасидан Америка Қўшма Штатларига ўтиб кетишни хоҳлаганлар яқин келажакда кўпайиши лозим эмиш Бу эса мамлакатнинг экономикасига зарар етказади ва уни мустақил сиёсат юргизишдан воз кечишга мажбур қилади».

Бирлашган Араб Республикасига хавф каёқдан келаётганини тушунадиган ва унга карши туришга қодир соғлом кучлар етарли, деб хулоса қилади «Ал Аҳром» газетаси. Бу ўринда Бирлашган Араб Республикасида ўнлаб ўқув марказлари барпо этаётган, СССРдаги олий ўқув юртларида, илмий муассасаларда саноат корхоналарида, шунингдек совет техникавий ёрдами билан Бирлашган Араб Республикасида амалга оширила, ётган кўпгина қурилишларда миллий кадрлар тайёрлаш сохасида бегараз ёрдам берадётган Совет Иттифокининг роли юқори баҳоланмоқда

И. БЕЛЯЦКИЙ,
АПН мухбири.

КХДР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ПХЕНЬЯН, 11 июль. (ТАСС). Корея Халқ-Демократик Республикасининг ҳукумати Америка ҳарбийларининг Камбоджа чегараларида давом этаётган игвогарликларини қоралади.

Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукуматининг ЦТАК агентлиги тарқатган баёнотида бундай дейилади: «Америка империалистлари Камбоджага қарши ўзларининг жинояткорона агрессия ва игвогарлик ҳаракатларини дарҳол тўхтатишлари керак».

«Илгаригидек, бундан кейин ҳам, дейилади баёнотда, Корея Халқ-Демократик Республикасининг ҳукумати ва бутун корейс халқи Камбоджа халкининг АҚШ империалистларининг агрессиясига ва ички ишларига аралашишларига қарши олиб бораётган адолатли курашини актив равишда қўллаб-қувватлайди ва ҳамиша ҳмер халки томонида бўлади».

ИТАЛИЯ. Рим шаҳридаги дель Пополо майдони (халқ майдони). Бу ерда меҳнаткашларнинг митинглари, намойишлари, йиғилишлари бўлиб туради.

Аджерпресс—ТАСС фотоси.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

● ЯПОНИЯ

Япония почта ва телеграф министрлиги Япония алоқа ходимлари касаба союзи активларидан 178 кишини «жазолаганлигини» эълон қилди. 26 киши ишдан четлаштирилган, 66 ходимнинг иш ҳақи пасайтирилган, қолганларга дакки берилган ва огоҳлантирилган.

Улар алоқа корхоналарида забастовка уюштирганлар деб айбланмоқда.

● ИТАЛИЯ

Рим ва Миланда нашр қилинадиган газеталардан биронтаси 10 июлда дўконларга ва обуначиларга етиб бормади. Бу шаҳарларда янги меҳнат шартномаси тузиш тўғрисида касаба союзлар билан музокаралар олиб боришни маъмурият рад қилганлигига жавобан босмахона ходимларининг 24 соатлик забастовкаси бўлиб ўтди.

● ТУРКИЯ

Истанбулдаги «Дерби» резина буюмлари фабрикасида бошланган 6 кунлик забастовка ишчиларнинг ғалабаси билан тугади. Фабрика маъмуриятининг вакили, иш ташлаганларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш тўғрисида қўйган талаблари қондирилади, деди.

● КИПР

Кипр матбаачилари касаба союзи иш ҳақини 20 процент ошириш тўғрисидаги талаб билан маҳаллий босмаханаларнинг эгаларига бир неча бор мурожаат қилди. Аммо бу талаблар жавобсиз қолдирилаверди. 6 июлда касаба союз босмахона ишчиларини 48 соатлик огоҳлантирувчи забастовка ўтказишга чакирди. Босмахона хўжайинлари бунга жавобан локаут эълон қилдилар. Фақатгина «Харавги» газетаси босмахонаси ходимларининг иш ҳақи касаба союз талабларига мувофиқ равишда оширилди.

Матбаачилар касаба союзи эълон қилган забастовка ишчиларнинг қўйган талаблари қондирилмагунча давом эттирилади. (ТАСС).

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт, 9.30 — Ўзбек композиторларининг қўшиқлари, 10.30 — Концерт, 11.15 — «Дугоналар» радиожурнали, 12.15 — Талабларга мувофиқ концерт, 13.30 — Концерт, 15.10—«Правда» газетасининг обзори, 15.20 — «Литература и искусство Узбекистана» радиожурнали, 16.10 — Эстрада концерти, 17.20—Ўйғур куйлари, 18.00—Музикали драмалардан парчалар, 18.40—Спорт, 19.20 — Қ. Бурнашова ва М. Аҳмедов концерти, 20.00 — «Дугоналар» (такрорий эшиттириш), 21.00 — «Қардош коммунистик партиялар қаётидан», 21.10 — Қишлоқ радиоклуби, 22.20—«Кечалар юлдуз санаб» (концерт), 23.10 — Дам олиш концерти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.55 — **Кўрсатишлар программаси**, 11.00 — **«Шанба, нонуштадан сўнг»** (Музикали дам олиш программаси), 11.40 — **Дорбозлар** (бадиий фильм), 12.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 — **Кўрсатишлар программаси**, 17.00 — **Телеянгиликлар** (рус тилида)

Ўзбек тилида: 17.10 — **Телевизион қўғирчоқ театри**, 18.00 — **Олов қалбли кишилар** («Ёшлик» программаси), 19.00 — **Концерт**, 19.40 — **Телеянгиликлар**, 19.55— **Кўрсатишлар программаси.**

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.30 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **«Шанба, нонуштадан сўнг»** (такрорий эшиттириш) 20.40 — **Концерт**, 21.30 — **Кундузги сеансга икки билет** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ДУШАНБА КУРСАТАДИ

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 13|VII да **Махтумқули**, 14|VII да **Қизбулоқ.**

КИНО

Сангам — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечкурун)

Ер эгаси — «ДРУЖБА» (1 залда, тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечкурун).

Ҳиндлар суянчиғи — «ДРУЖБА» (2 залда, жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун).

Салават Юлаев — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 4, кеч 9.45 минутда).

Уста-шагирд — «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун)

Капрал тўппончаси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12.2 кеч 6 ва 8 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Килиманжаро қори — «ХИВА».

Қаттиқ ёнғоқ — «ФЕСТИВАЛЬ» НАВОИЙ номли.

Капрал тўппончаси — ТЕЛЬМАН номли.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ

Тошкент шаҳрида 15 июлдан 23 июлгача ўтказиладиган

ГАСТРОЛЛАРИНИНГ РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

Муқимий номли театрнинг ёзги биносида

15 июль	НУРХОН
16,22 июль	ГУЛ ВА НАВРУЗ
17 июль	АЯЖОНЛАРИМ
18,21 июль	ТУЛИН ОЙ
19 июль	ИНСОФ
20,23 июль	КОНЦЕРТ

Томошалар кеч соат 8 ярим да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ «ПРИБОР» МАГАЗИН-САЛОНИДАН



нақд пулга ва пул ўтказиш билан радио ва электр ўлчагич, контроль ва бошқариш, гидрометеорология асбоблари; синаш машиналари, химия идишларини

СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

Адрес: Тошкент—96, Ғ. Ғулом кўчаси, 2-уй (4, 9, 11, 15-трамвайлар, 11, 12, 32, 48-автобуслар, 12-троллейбуснинг «Оқтепа» бекати).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКОМИССИОНТОРГ»НИНГ КОМИССИОН МАГАЗИНЛАРИ

тикув буюмлари, пойафзаллар, газламалар, трикотажлар, гиламлар, гилам буюмлари, шунингдек янги ва фойдаланилган музика ва радио товарлари, хрусталь, чинни, мебель ва бошқа товарларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ВА СОТАДИ

5, 21 магазинлар — Госпиталь, 7, 8, 24, 26 магазинлар Оқтепа, 27 магазин — марказий, 4, 9, 14, 33 магазинлар — Олой, 39 магазин— Паркент 11, 12 магазинлар — Қўйлиқ бозорларига, 3 магазин— шаҳар ярмаркасига;

6 магазин — Чилонзор массиви, 5 квартал, 1-уй, «Халқлар дўстлиги» проспектига:

1 магазин — К. Маркс кўчаси, 20 уй, 13 магазин Т. Шевченко кўчаси 68 уй, 2 магазин Апанасенко кўчаси 6 уйга жойлашган.

Қайтадан очилган 15 комиссион магазини — 4-жилгородокдаги Дубовая кўчасига жойлашган.

«Ташкомиссионторг»нинг комиссион магазинлари хизматидан фойдаланинг!

Хўжалик ишлари мудири, саноат ҳисоби билан таниш бўлган бухгалтерлар, иқтисодчи-финансист, ҳисобчи, юрист, ёғочсозлик бўйича ОТК устаси, металл буюмлари цехига уста, ёғочсозлик станокларига станоччилар, металл бўйича токарлар, саноат жиҳозлари монтажи ва тузатиш бўйича слесарлар, арматурчилар, бетончилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент-5, Куйбишев шоссеси, 23/35 (5, 7, 12 17 26, 55-автобусларнинг «УЗВУМ» комбинати бекати)

«УЗГОСПРОЕКТ» ИНСТИТУТИГА

Тошкентда ишлаш учун сметачилар, инженерлар; электр таъминоти бўйича, автоматчилар, контроль-ўлчов асбоблари бўйича, қурувчилар, иссиқлик-газ таъминоти бўйича ва вентиляция, водопровод ва канализация бўйича архитекторлар, техниклар, қурувчилар, электриклар, водопровод ва канализация бўйича сметачилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — 1 етаичи категория бўйича.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 18-уй, 3 қават, кадрлар бўлими.

Главташкентстрой 7-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 39-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

сантехника ва йўл ишлари бўйича инженерлар, слесарлар, труба ётказувчилар, йўл механизмларини тузатиш бўйича; йўл ишчилари асфальт қилувчилар, МАЗ-205 самосвали ва УАЗ автомашинасига шофёрлар; темирчилар, йўл машиналарига мотористлар, ҳамма классдаги тракторчилар, 5, 6 разрядли электромонтёрлар

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар Ленин кўчаси, 17-уй, кадрлар бўлими

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти дирекцияси, партия ва маҳаллий комитети институтнинг собиқ илмий ходими филология фанлари кандидати

Инфания ҲАМДАМОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумининг оиласига чуқур таъзия билдиради.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган центрального комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 836545, Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283. Партия турмуши — 833469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 831216. Халқаро ҳаёт — 837604. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 834790. Совет қурилиши — 833258. Қишлоқ хўжалик — 837604. Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347. Оммавий ишлар ва хатлар — 838679, 839553. Иллюстрация — 834524. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 838142. Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85. Бухоро 31—41. Қарши 3—08. Нукус 42—62. Самарқанд 31—972. Термиз 23—27 Фарғона 41—88 Урганч 34—55

Б. № — 162. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р — 02614.